

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№_____

20____ йил

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг**

**20____ йил “___” _____ даги
___ - сонли буйруғи билан
тасдиқланган**

Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)

йўналиши бўйича олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИЯВИЙ
МЕТОДИКАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

*Кайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус,
касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
201__ йил __ июлдаги __-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар: “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”
модули: с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.
“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
модули : п.ф.д., профессор Н.А.Муслимов, п.ф.н.
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.
“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н, доцент
Х.Холмедов, ф-м.ф.н, доцент Д.Иргашева,
катта ўқитувчи В. Ҳамидов.
“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия
Кенгашининг етакчи мутахассислари, катта ўқитувчи
У.Гиясова.
“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”
модули: с.ф.д., профессор С.Жўраев, т.ф.д., профессор
С.Абдурахимов, пс.ф.н. Х.М.Алимов.
Маҳсус фанлар бўйича: пед.ф.д.,профессор Л.Т. Ахмедова,
ф.ф.н., доцент Л.Холияров

Тақризчилар: Э.Эркаев - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университети доценти пед.ф.н.

С.Абдуллаева -Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети доценти, ф.ф.н.

Ўқув дастури ЎзДЖТУ хузуридаги РИАИМ Илмий кенгашида тавсия
қилинган (20__ йил __ __ __ ги __ - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усусларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.
- 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

IV. Амалий хорижий тил.

- 4.1. Интеграллашган тил малакалари.
- 4.2. Дискурс таҳлили.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар.

- 6.1. Хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методлари
- 6.2. Ўқув материалларини танлаш ва яратиш тамойиллари
- 6.3. Чет тили малакаларини баҳолаш

VII. Педагогик амалиёт.

VIII. Малакавий аттестация.

Курснинг мақсади ва вазифалари:

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

“Хорижий тил ва адабиёти”(инглиз тили) йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Хорижий тил ва адабиёти”(инглиз тили) йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-

коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникумга ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникумга, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- чет тили ва уни ўқитиш методикаси соҳасида ёқланган илмий-тадқиқот ишларини;
- чет тилини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни;
- талабалар билимини баҳолаш ва таҳлил қилишни;
- чет тилини ўқитишга инновацияларни тадбик этишнинг самарали шаклларидан фойдаланишни;
- чет тилини ўрганиш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- чет тилида сўзлашув ва мулоқот маданиятни ривожлантиришни **билиши** керак.

Тингловчи:

- чет тили таълими учун яратилган ЎУМларни, дарслик, ўқув қўлланма, луғат ва бошқа ўқув материалларини таҳлил қилиш, қайта ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва янгилаш;
- ўқув материалларини танлаш ва яратиш;
- чет тилини ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибасини амалиётда қўллаш;
- чет тилини ўқитиш соҳасидаги мавжуд баҳолаш тизими ҳақида маълумотларни билиш;
- тил ва уни ўқитишга оид ислоҳотларни, соҳага оид луғат бойлиги ва унинг терминологиясини шакллантириш;
- чет тил ўқитишнинг хорижий методикаси тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш.уларнинг ютуқларидан таълим жараёнида фойдаланиш;
- илмий-тадқиқотлар ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни умумлаштириш **кўникумларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- чет тили ва уни ўқитиш модулини ўқитишнинг замонавий интерактив методларидан фойдаланиш;
- чет тили ва уни ўқитиш модулидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;

- чет тили ва уни ўқитишининг замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, турли тадқиқот методлари ва методологияларининг қиёсий тавсифи, чет тилининг муҳим концепциялари, илғор методик тажрибаларни ўрганиш;
- чет тили бўйича долзарб методик мавзуларда малакавий иш ёзиш ва уни химоя қилиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- CEFR талабларидан келиб чиқсан ҳолда баҳолаш турлари, усуллари ва методларини танлаш.
- коммуникатив компетенцияни аниқлаш хусусиятларига мос назорат методини танлаш.
- тестларнинг коммуникатив компетенция даражасини аниқлаш, тест тузиш, унинг сифат ва самарадорлигини аниқлаш мезонлари, тест натижаларини аниқлаш ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши зарур.

Курс ҳажми.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармонининг З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

«Хорижий тил ва адабиёти» (инглиз тили) йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув модуллари ва уларнинг мазмуни.

I.Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари.

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият-енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган

маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.

Норматив-хуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Конун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа норматив хужжатлар.

П. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

2.1. Инновацион таълим технологиялари.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илгор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари.

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маъruzалар категориялари, муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий on-line очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

3.2. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zyonet.uz. ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мұхитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мұхитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

IV. Амалий хорижий тил.

4.1. Интеграллашган тил малакалари.

А) Тўрт хил тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўзлаштириш: тил кўникмаларини яъни сўзлашиш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш амалиётларини уйғунликда ривожлантириш орқали унинг чет тили малакасини умумевропа стандартининг В2 дан С2 даражасига етказиши. Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, шахсий маълумот, автобиография, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиши, тақвим, об-ҳаво, касблар, спорт, яшаш жойи, шаҳарлар ва мамлакатлар, кийим-кечак ва кийиниш одоби, саломатлик, транспорт, таълим соҳаси, турли касблар, кундалик ҳаётдаги воқеа ва ходисаларнинг қисқа тасвири, қизиқишилари, овқатланиш, инсоннинг характеристириш, фазилатларини тасвирилаш, санъат турлари, уй анжомлари, саёҳат ва туризм, бизнес, китоб, кино ва теледастурлар турлари ва уларнинг сифати, турли мамлакатлардаги сиёсий тизим, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими, олий ўқув юрти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари, инсонлар ўртасидаги муносабатлар, хизмат кўрсатиши, ижтимоий масалалар, жумладан ёшлар тарбияси, турли касалликлар ва уларнинг симптомлари, ихтисослигига оид мавзулар, касби билан боғлиқ долзарб масалалар ва х.к.

Б) Тўрт хил тил кўникмаларини интеграллашган ҳолда ўқитиши: ўқиш, тинглаб тушуниш кўникмаларини ривожлантиришда З та босқичнинг аҳамияти. Турли хил интерфаол методларга асосланган коммуникатив вазифалар. Ёзма нутқни бошқа тил кўникмалари билан уйғунликда ривожлантиришнинг асосий омиллари ва шартлари. Тил кўникмаларини ривожлантириш жараёнида муаммоаларни аниқлаш ва уларни тузатиши. Интеграллашган тил кўникмаларини ривожлантиришда лойиҳага асосланган усульнинг аҳамияти. Лойиҳа ишини ташкил этиши ва баҳолаш усуслари. Интеллектуал салоҳият ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган топшириклар.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчилари курс давомида турли соҳаларда далилларга асосланган мураккаб бўлмаган матнларни ўқиб тўлиқ тушуниш, кундалик ва йўналиш соҳасига оид Интернет сайтларидан тегишли маълумотларни топиш ва тушуниш, рисолалар, рекламалар, газета эълонларидан мутахассисликка оид маълумотларни топиш, ОАВ матнларининг ўқиб асосий мазмунини тушуниш. Тингловчилар тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш кўникмаларига ёзиш тил кўникмасини интеграллаштирган ҳолда ўз сұхбатдошига хат ва хабарлар ёзиш, анкетани турли шахсий маълумотлар билан тўлдириш, шахсий ҳамда касб-хунарга оид контекстларда қайдлар ва хабарлар ёзиш, соҳага оид ҳисоботлар ёзиш, ариза, резюме ва йўлланма хатлар ёзиш.

4.2. Дискурс таҳлили.

Грамматика ва оғзаки дискурс. Грамматика ва дискурс. Ёзма нутқда грамматика ва лексикани қўллаш. Нутқ ва унинг функциялари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма матнларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаш, таҳлил қилиш ҳамда мазмунли мулоқот учун матн тузишда қўллаш. Ўрганилаётган чет тилидаги матнларни таҳлил қилиш йўллари ва усуслари. Матнларни таҳлил қилиш борасидаги турли нуқтаи назарларни ва матн таҳлилида эътиборга олиниши лозим жиҳатларни ўргатиши. Турли жанрларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзаро лексик муносабат. Матнда сўзлар мутаносиблиги. Расмий, норасмий, маҳсус матнлар.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услугуб ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

VI. Махсус фанлар.

6.1. Хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий методлари.

Чет тил ўқитишнинг замонавий инновацион технологиялари таҳлили ва таълимга жорий этилиши. Чет тили ўқитувчиси касбий тайёргарлигига қўйилган замонавий талаблар. Чет тил ўқитишнинг хорижий методикаси тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш. Уларнинг ютуқларидан таълим жараёнида фойдаланиш.

6.2. Ўқув материалларини танлаш ва яратиш тамойиллари.

Чет тил таълими учун яратилган ЎУМларни, дарслик, ўқув кўлланма, луғат ва бошқа ўқув материалларини таҳлил қилиш, қайта ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва янгилаш. Ўқув материалларини танлаш ва яратишда қуйидаги тамойилларга амал қилинади:

- ўқув муассасаси хусусиятини;
- замонавий фан-техника ютуқларини;
- чет тил ўқитиш мақсадини;
- чет тил таълимида узлуксизлик ва узвийликни;
- тингловчи эгаллаши зарур бўлган даражасини;
- касбга йўналтирилганликни ҳисобга олиш.

6.3. Чет тили малакаларини баҳолаш.

CEFR талабларидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш турлари, усуллари ва методларини танлаш. Коммуникатив компетенцияни аниқлаш хусусиятларига мос назорат методини танлаш. Тестлар коммуникатив компетенция даражасини аниқлаш методи сифатида. Тест тузиш, унинг сифат ва самарадорлигини аниқлаш мезонлари. Тест натижаларини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари. Тестларни таълим жараёнинга жорий этиш усуллари.

VI. Педагогик амалиёт.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил соатларни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти.

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. - 34 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. - Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”.Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.

6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1-/T.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибяда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: ACT-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
- 16.Council of Europe. (2001) *Common European Framework of Reference for languages: Learning, teaching, assessment*. Cambridge University Press
- 17.Murphy, R. (2004) *English Grammar in Use*. Cambridge: CUP.388 pp.
- 18.Swan, M. (2005) *Practical English Usage*. Oxford: OUP
- 19.Исмаилов А.А., Саттаров Т.К., Жалолов Ж.Ж., Ибрагимхўжаев. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа // Нофилологик йўналишда инглиз тилини хорижий тил сифатида ҳамда филологик йўналишда инглиз тилини иккинчи хорижий тил сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасалари (Independent User Threshold B1) талабалари учун. Т.: ЎзДЖТУ.2011.
- 20.DUET-Development of Uzbekistan English Teachers- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент 2008.
- 21.ETTE- Бошланғич таълим йўналишида хорижий тилларни ўқитиш (Британия Кенгаши билан хамкорликда), 2009.
- 22.McCarthy, M. and O'Dell, F. (1999) *English Vocabulary in Use - Advanced*. Cambridge: CUP, 298 pp.
- 23.McCarthy, M. and O'Dell, F. (2004) *English Phrasal Verbs in Use*. Cambridge: CUP 42pp.
- 24.Greenall, S. & D. Pye (2007), *Reading 3, Cambridge Skills for Fluency*. Cambridge: CUP.234 pp.

- 25.Bolitho R. Language Awareness in the English Classroom. *English Teaching Professional*, 6 January 1998, 3-6pp.
- 26.Doff, A. & C. Becket (1991) *Cambridge Skills for Fluency: Listening 3*. Cambridge: CUP,298 pp.
27. M, Pulvernness A, Williams M. (2005).The TKT Course, Cambridge University Press. 276 pp.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. www.press-uz.info
8. www.edu.uz
9. www.ziyonet.uz
10. www.edu.uz
11. www.paxta.uz
12. www.pedagog.uz
13. www.Ziyonet.uz
14. www.edu.uz Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
15. www.Ziyonet.uz
16. www.edu.uz
17. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
18. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
19. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>